

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2020 йил 29 декабрь куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида,  
Раислик қилувчи: судья **Т.Турсунов**,  
ҳайъат судьялари **Н.Касимова** ва **Х.Шамшиев**дан иборат таркибда,  
Х.Абдуразақовнинг котиблигида, томонлардан Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Х.Парпиев, судланган Ш.М. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат А.Набиев ва О.Азимовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 20\*\* йил 13 май кунги ҳукмига кўра, судланган

**М.Ш** (ААА), 19\*\* йил 11 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси \*\*\* бош директори лавозимида ишлаган, \*\*\* тумани, \*\*\* кўчаси, 24-уйда яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2018 йил 26 октябрдан 20\*\* йил 13 майга қадар қамоқда сақланганга нисбатан чиқарилган ҳукмга Тошкент шаҳар прокурори томонидан келтирилган апелляция протестини жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра, Ш.М.нинг қилмишида ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми “а, б” бандлари ва 211-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятлар таркиби бўлмаганлиги сабабли реабилитация қилинган ва жиноят ишининг унга нисбатан юритилган қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация қилинган.

Ш.М.га нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод қилинган.

Ш.М.га мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш масаласида ЖПКнинг 304-312-моддалари тартибида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган.

Апелляция инстанциясининг 20\*\* йил 2 июлдаги ажрими билан суд ҳукмининг Ш.М.га оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 февралдаги ажрими билан апелляция



инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгитдан шу инстанцияда кўриш учун юборилган.

Мазкур ҳукм билан Б.А. ва У.М.лар ҳам судланган бўлиб, ҳукмнинг уларга оид қисми апелляция шикоятни ёки протест келтирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Ш.М. жуда кўп миқдордаги пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳамда пора бериш жиноятларини қўйидаги усул ва воситалар билан содир қилганликда айбланган.

Жумладан, 2018 йил 8 январь куни Б.А. ўзининг номидаги \*\*\* тумани, \*\*\* кўчаси, 55/8-уйда қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқариб беришларини сўраб \*\*\* туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилган. Бироқ, тергов жараёнида аниқлашни имкони бўлмаган сабабларга кўра, унинг мазкур аризаси қонунда белгиланган муддатлар ичида кўриб чиқилмаган. Шундан кейин, С.З. қайд этилган масала қонуний йўл билан ижобий ҳал бўлмаётганлигини англаб, ушбу бинони қурган Ш.А.нинг илтимосига кўра, бинога нисбатан эгалик ҳуқуқини олиб беришда амалий ёрдам кўрсата оладиган шахсларни излаб, охир-оқибат 2018 йил февраль ойида Ш.М.га мурожаат қилиб, ундан туман ҳокими Б.А. билан қайд этилган қарор масаласида гаплашиб кўришини, **ушбу муаммо ижобий ҳал бўлган тақдирда, Б.А.ни моддий манфаатдор қилишини ваъда қилган.** Шунда, Ш.М. С.З.нинг муаммоси билан танишиб, унинг ўзи билан бирга унга аввалдан таниш бўлган \*\*\* туман ҳокими Б.А.нинг қабулига кирган. Қабул давомида, Ш.М. туман ҳокими Б.А.га \*\*\* тумани, \*\*\* кўчаси, 55/8-уйда қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни қисқа муддатларда чиқариб беришда амалий ёрдам кўрсатишини сўраб, бунинг эвазига улар Б.А.ни моддий манфаатдор қилишларини маълум қилган. Шундан кейин, Б.А. қайд этилган масалани ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича тез кунлар ичида кўшимча хабар қилишини таъкидлаган. Шу тарихда, 2018 йил 16 февраль куни Б.А. Б.А.нинг аризасини ўрганиб чиқиб, қайд этилган қарорни чиқариб бериши ҳақида Ш.М.га хабар қилиб, бунинг эвазига С.З. тумандаги ободонлаштириш ишлари учун “хомийлик” қилиши кераклиги баҳонасида, аслида эса ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, ундан моддий наф беришини сўраган. Сўнгра, Ш.М. С.З. билан кўришиб, унга туман ҳокими Б.А. \*\*\* тумани, \*\*\* кўчаси, 55/8-уйда қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқариб бериши учун унга 55.000 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларини бериш кераклигини айтиб, ундан шунча миқдордаги пул маблағларини сўраган. Шунда, С.З. Ш.А. билан маслахатлашиб, Ш.М. орқали Б.А.га сўралаётган 55.000 АҚШ долларини беришга рози бўлган. Шундан кейин, туман ҳокими Б.А. 2018 йил 19 февраль куни \*\*\* тумани, \*\*\* кўчаси, 55/8-уйда қурилган иморатларга нисбатан Б.А.га мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқариб, бу ҳақда Ш.М.га хабар



қилган. Сўнг, келишилуга биноан, С.З. 2018 йил 21 февраль куни \*\*\* тумани, Марказ 5 даҳасида жойлашган “На небе” ресторани олдида Б.А.га бериб қўйиши учун Ш.М.га дастлаб 20.000 АҚШ долларини берган. Ўз навбатида, Ш.М. мазкур пул маблағларини С.З.дан олиб, уларни ўша пайтда туман ҳокимияти биноси олдида ўзининг бошқарувидаги давлат белгиси 01 О \*\*\* ҒА бўлган қора рангли “Каптива”-русумли автотранспорт воситасининг ичида Б.А.га берган. Шундан кейин, 2018 йил март ойи ўрталарида С.З. Ш.М.нинг талабига кўра, унга \*\*\* туманидаги “Лабзак” меҳмонхонаси олдида 20.000 АҚШ долларини ҳамда 2018 йил апрель ойи ўрталарида \*\*\* тумани, Марказ 5 даҳасидаги “На небе” ресторани олдида қолган 15.000 АҚШ долларини берган. Шунда, Ш.М. мазкур 35.000 АҚШ долларини ўзининг ҳаққи сифатида ўзида олиб қолган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг маълумотномасига кўра, 2018 йил 27 февраль ҳолатига 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 8.171,64 сўмни, бундан келиб чиққан ҳолда, 55.000 АҚШ долларининг қиймати 449.440.200 сўмни ташкил қилган.

Шунингдек, Ш.М. ўзининг ҳаракатларини давом эттириб, 2018 йил таҳминан май-июнь ойларида Б.А. билан туман ҳокимияти биносида кўришиб, унга \*\*\* туманини янада ривожлантириш борасидаги режаларини, жумладан мазкур туман ҳудудидаги бўш турган ер майдонларига меҳмонхона, бизнес маркази ва шунга ўхшаш бошқа бино ва иншоатлар қуриш учун инвесторларни жалб қилмоқчи эканлигини маълум қилиб, ушбу режаларини амалга ошириши учун уни Тошкент шаҳар ҳокими олдида қўллаб юборишини сўраган. Шунда, Б.А. Ш.М.нинг ғоялари билан танишиб, уларни амалга ошириш учун авваламбор шаҳар ҳокимияти ва архитектура бош бошқармасига мурожаат қилиши кераклигини айтиб, шундан сўнг унинг ғояларини Тошкент шаҳар ҳокими олдида қўллаб-қувватлашига ваъда берган.

Шундан кейин, орадан кўп ўтмай, Ш.М. Б.А. билан туман ҳокимлиги биносида яна бир бор учрашиб, унга ўзининг юқоридаги ғоялари, жумладан \*\*\* тумани ҳудудида меҳмонхона, бизнес маркази ва шунга ўхшаш бошқа бино ва иншоатлар қуриш учун ер майдони ажратилиш масаласи ижобий ҳал бўлаётган ёки бўлмаётганлигини сўраганида, Б.А. ғараз ниятларни кўзлаб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида, Ш.М.га унинг ишлари тез орада ҳал бўлишини, бироқ, бунинг эвазига туман ҳудудида амалга оширилаётган таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилиши лозимлиги баҳонасида ундан мазкур ишлар учун 25.000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини беришини сўраган. Шунда, Ш.М. келгусида Б.А.нинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда \*\*\* туман ҳудудидан ер майдонларини олишни мақсад қилиб, унинг қайд этилган талабига рози бўлган. Сўнг, Б.А. Ш.М.га унинг ўзи пул маблағлари айнан қачон олиб келиниши лозим бўлиши ҳақида хабар беришини маълум қилган.



Орадан бир неча кун ўтиб, яъни 2018 йил июль ойида Б.А. Ш.М. билан боғланиб, ундан юқорида айтиб ўтилган 25.000 АҚШ долларини беришини сўраган. Шунда, Б.А. туман ҳокимияти ходими М.М.га Ш.М. билан учрашиб, у томонидан бериб юборилиши лозим бўлган “нарс”ни олиб келиб беришига топшириқ берган. Сўнг, М.М. Б.А.нинг топшириғига биноан, Ш.М. билан \*\*\* туманидаги теннис корти олдида учрашиб, Б.А. учун аталган пакетни олиб, ўша захотиёқ уни Б.А.га хизмат хонасида топширган. Шу тариқа, Ш.М. М.М. орқали Б.А.га 25.000 АҚШ доллари (194.695.250 сўм) ни пора тариқасида берган.

Апелляция протестида биринчи босқич суди ҳукмининг Ш.М.га нисбатан қисмини ўзгартириш, Ш.М. асосиз оқланганлиги, гувоҳларнинг кўрсатувларига асосан унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлиги сабабли, унинг ҳаракатларини ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисми “а” бандига қайта квалификация қилиб, қонунда белгиланган жазо тайинлаш сўралган.

Судлов ҳайъати судья Х.Шамшиевнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг протестни тўлиқ қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи Ш.М. ва адвокатлар А.Набиев, О.Азимовнинг суд ҳукмини ўзгартирмас ва апелляция протестини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, протестда келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 19 февралдаги ажримда баён қилинган кўрсатмалар асосида жиноят иши бўйича судланувчи ҳамда гувоҳ тариқасида ўтган шахслар сўроқ қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи **Ш.М., С.З.** бино масаласи бўйича мурожаат қилганлиги ва пул берганлиги бўйича унга туҳмат қилаётганлиги, С.З. унга дастлабки терговда видео ёзув орқали сўроқ қилинганлиги сабабли, тўғриси айтишга яъни, кўрсатувини ўзгартиришга кўрқисини айтганлиги, С.З. иши битгандан сўнг, у билан ҳокимнинг олдида кириб иши битгани учун унга қўнғироқ қилиб фақат миннадорчилик билдирганлиги, у ҳокимнинг олдида ўзининг иши билан қираётганлиги, С.З. у билан кирганлиги, у унинг ишидан хабардор бўлмаганлиги, тергов даврида уни Ш.А. билан юзлаштиришмаганлиги, М.М.га айтган пакетни ичида \*\*\* туманига хуш келибсиз деган эскиз бўлганлиги, юзлаштиришда 25.000 АҚШ доллари берганман деб айтганлиги, аслида бермаганлиги, туҳмат қилганлиги, шундай дейишга мажбур бўлганлиги, оиласида ундан бошқа ҳеч ким йўқлиги, давлат томонидан адвокатини ўзгартиришга йўл қўйишмаганлиги, биринчи инстанция судида ҳам пакетда эскиз берганман деб ростини айтганлиги, дастлабки терговда 28 октябрь куни уни Б.А. билан бир марта юзлаштиришганлиги, бир марта Б.А.ни кўрганлиги, кейин судда кўрганлиги, дастлабки терговда унга рухий тазйиқ бўлганлиги, давлат томонидан адвокат берилганлиги, адвокат олишига рухсат



беришмаганлиги, қисман иқроп бўлинг, таниркансизку, таниганингиздан кейин қисман иқроп деганига, қисман иқрорман деганлиги, мажбур бўлганлиги, сўроқ баённомасидаги, ўқиб чиқдим, мени сўзимдан тўғри ёзилган деб ёзганлиги, имзо қўймасликни иложи бўлмаганлиги, уни адвокатини олдида терговчини ўзи урганлиги, терговчи Тўхтасинов деган ўтирганлиги, уни битта терговчи тергов қилмаганлиги, сўроқ баённомасини неча марталаб ўзгартиришганлиги, дастлабки терговдаги сўроқ баённомаси ва юзлаштиришдаги кўрсатмаларини тазйиқ остида берганлиги, оиласини ҳам тергов ҳибсхонасига олиб келиб, оиласини кўрсатиб тазйиқ ўтказишганлиги, унга нисбатан тергов ҳибсхонасида бирга битта камерада ўтирганлар орасида “лахмач”лар бўлганлиги, улар орқали тазйиқ бўлганлиги, терговчини хонасида кўлига кишан солиб, орқасидан қалин журнал қўйиб, уришганлиги, терговчи ҳам урганлиги, уни таниганлиги, тергов ҳибсхонасида олган тан жароҳати бўйича мурожаат қилишга имкон бўлмаганлиги, хат ёза олмаганлиги, хатлари ДХХ тергов ҳибсхонасидан чиқмаганлиги, давлат томонидан берилган адвокатни ёнида терговчи уни ўриб тургандан кейин додини кимга айтишни билмаганлиги, ўзи шартнома орқали ҳимоячи олишига терговчи имкон бермаганлиги, уришганда артериальный давляниеси бўлганлиги, тура олмаганлиги, кўзи олди қоронғилашганлиги, ўзини нохуш ҳис қилганлиги, уни уришганда мурожаат қилмаганини яна бир сабаби камерада лахмачлар бўлганлиги, вазият оғир бўлганлиги, С.З.нинг кўрсатувлари ҳақиқатга тўғри келмаслиги, айбсизлиги сабабли суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **С.З.**, дастлабки тергов ҳамда суд мажлисида берган кўрсатувларини тасдиқлашини, Ш.М. билан иш юзасидан танишганлиги, таниши Ш.А.га тегишли бир тўрт қаватли бино ҳужжатларини расмийштириш учун ҳокимиятга мурожаат қилганлиги, ҳокимият томонидан уларга ҳеч қандай жавоб берилмаганлиги, улар иши битмагандан сўнг, таниши Ш.М. ҳокимни таниганлиги сабабли ундан ишини битириб беришини сўраб мурожаат қилганлиги, Ш.М. уни ҳокимнинг олдида олиб кириб, бинонинг ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдам берганлиги ва эвазига ўша бинодан иккита уйни беришини сўраганлиги, у бу ҳақида Ш.А.га айтганида Ш.А. уйни беришга рози бўлганлиги, орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг, Ш.М. иккита уйларни эмас балки уйларни сотиб пулини беришини сўраганлиги, шундан сўнг жамаи бўлиб Ш.М.га 55.000 АҚШ доллари берилганлиги, пулларни унга Ш.А. берганлиги, у пулларни Ш.М.га берганлиги, аризани у эмас уйнинг эгаси Акмал берганлиги, аммо қаерга берганини билмаслиги, терговга уни чақиришганлиги ва сўроқ қилишганлиги, у шу вақтда ариза ёзган бўлиши мумкинлиги, ҳокимиятдан 4 қаватли бино учун қарор чиққанлиги, ДХХ ходимлари уни қаердан топишганини билмаслиги, уни телефон орқали чақиртиришганлиги, Ш.М.га пулни учга бўлиб берганлиги, бўлган воқеаларнинг саналари эсида йўклиги, пулни бергани тўғрисида Ш.М.дан тилхат олмаганлиги ва гувоҳ



хам қатнашмаганлиги, агар уни терговга чақиришмаганда ариза бермаган бўлиши, тилхатни унга тушунтиришгани бўйича ёзганлиги, Ш.М.ни ўзи топиб, қарор чиқариш масаласида ёрдам сўраганлиги, Ш.М.га хизмат бўлса тайёрмиз деб айтганлиги, Ш.М.га нисбатан даъвоси йўқлиги, Б.А. билан бир марта Ш.М. орқали ҳокимият биносига кирганида кўришганлиги, пулнинг суммаси иккита уйнинг пули ҳисобланиб чиқарилганлиги, улар ҳокимиятга ариза билан мурожаат қилганидан сўнг 2-3 ой кутганлиги, жавоб бўлмаганидан сўнг Ш.М.га мурожаат қилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Ш.А.**, дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанция суд мажлисида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, Ш.М.ни танимаслиги, терговда кўрганлиги, у \*\*\* тумани, А.Д. кўчасидаги ер майдонига кўп қаватли уй қурганлиги, уй битганидан кейин ушбу уйга эгалик ҳуқуқини олиш учун туман ҳокимиятига мурожаат қилганлиги, мурожаати рад қилинганлиги, З. Сардорга эгалик ҳуқуқини ҳал қил деганида, Сардор ҳокимни одамига мурожаат қилиб, масала ижобий ҳал бўлиши учун ҳокимнинг одами иккита уй сўраётганини айтганлиги, кейинчалик ушбу ҳокимнинг одами Ш.М. эканлигини билганлиги, уй сўрамагунча ҳеч ким пул сўрамаганлиги, у Сардорга 2 та уй берамиз, ишни ҳал қилсанг бўлди деганлиги, Сардорга пул бермаганлиги, воқеа 2014 йил бўлганлиги, мазкур воқеа юзасидан Аризани МХХга 2018 йил ёзганлиги, уни 2018 йил МХХ ходимлари чақирганлиги, МХХ ходимлари унга ҳолатни айтиб оператив йўл билан аниқладик, ариза ёзинг деганлиги, аризани МХХ ходимлари айтгани учун ёзганлиги, Ш.М.ни тергов даврида кўрганлиги, Сардорга қайси санада пул бергани эслолмаслиги, уни фикрича Сардор эгалик ҳуқуқини олиш юзасидан Ш.М. билан гаплашганлиги, эгалик ҳуқуқи ҳал бўлиши учун иккита уй берганлиги, Сардор унга ишни ким ҳал қилаётганини айтмаганлиги, тергов даврида Ш.М. билан уни юзлаштиришганини эслайолмаслиги, ҳокимиятдан уйга эгалик ҳуқуқини олиш юзасидан рад жавоби олганидан кейин, эгалик ҳуқуқини олиш учун иккита уй беришга рози бўлганлиги, иккита ҳонадон 55.000 АҚШ долларига баҳоланганлиги, улар қурган уйларга Ш.М. келганини эслайолмаслиги, Сардор олиб келиб кетганлиги, уни Ш.М.га умуман даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **М.М.**, дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанция суд мажлисида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, бу воқеага анча бўлганлиги, Ш.М. билан учрашганда, пакетда у документ берганлиги, йили ойи эсида йўқлиги, Б. А.га бериш учун документ бериб юборганлиги, Б.А.ни \*\*\* теннис корти олдида Ш.М. билан кўришиб, салом алик қилиб, Ш.М. унга документ берганлиги, у документни Б.А.га берганлиги, нима ҳужжатлиги эсида йўқлиги, пакетда ҳужжатлар А4 форматда эканлиги, илгари Ш.М. билан таниш бўлмаганлиги, ҳокимиятда юрганда бир-икки марта кўрганлиги, дастлабки терговда қора пакет деган бўлса, шундай ҳозир эсида йўқлиги, чунки анча вақт ўтганлиги, пакет енгил бўлганлиги, пакетда пул бўлганда



билган бўлиши, ҳужжат бўлганлиги, пакет енгил бўлганлиги, 25.000 АҚШ доллари ҳам умуман пул ҳам бўлмаганлиги, пакетда пул бўлса билган бўлиши, оддий ҳужжат бўлганлиги, енгил бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган суд тиббиёт эксперти **А.Йўлдошев**, руҳий тазйиқ ўтказилганлигини аниқлаш уни ваколатига кирмаслиги, руҳий тазйиқ билан психологик эксперт шуғулланиши, жароҳат излари қолган бўлса, шунингдек тиббий бирламчи ҳужжатлар бўлса тан жароҳати қачон етказилганини аниқласа бўлиши, ток таъсирида етказилган бўлса жароҳат маълум муддатдан кейин из қолмаслиги, тан жароҳатни аниқлаш имкони бўлмаслиги, санчувчи жисм таъсирида тан жароҳат етказилган бўлса, агар чуқурроқ бўлса жароҳат, жароҳатга қараб ва бирламчи тиббий ҳужжатларга қараб экспертиза ўтказса бўлиши, қандай жисм билан етказганлиги аниқлаш мумкинлиги, лекин ўша пайтда тиббий кўрикдан ўтказилган бўлиши кераклиги, тиббий кўрикдан ўтказилмаган бўлса, изларга қараб жароҳатга қараб аниқлик киритиш мумкин бўлиши, уни амалиётида қўшма яъни руҳий ва жисмоний тазйиқ экспертизаси ўтказиш бўлмаганлиги, агар комплекс экспертиза тайинланса, экспертлар экспертиза ўтказиб кўришлиги, лекин тан жароҳатлар ҳозир бўлмаса бир нарса дейиши қийинлиги, частотали ток ёки оғриқ берувчи жисмлар орқали жароҳат етказиш мумкинлиги лекин қисқа вақтдан кейин жароҳат изи қолмаслиги, оғриқ берсада, лекин вақт ўтиши билан изи қолмаслиги, чандиқ, синган бўлса ҳам ўша муддатда етказилганини аниқлаш учун барибир бирламчи тиббий кўрикдан ўтгани ҳақида ҳужжат кераклиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган, мазкур иш бўйича судланган **Б.А.**, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқламаслиги, лекин биринчи инстанция суд мажлисида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, у Ш.М. билан пул олди-берди қилмаганлиги, айблов хулосасининг 1-эпизоддаги қурилиш бўйича рухсат бериш учун 55.000 АҚШ доллари олинганлик ҳолати бўйича қўйидагиларни маълум қилишлиги, 55.000 АҚШ долларидан хабари йўқлиги, у Ш.М.дан 55.000 АҚШ доллари олмаганлиги, Ш.М. бир ўртоғини уни қабулхонасига олиб келганлиги, бир ойдан бери ҳужжати ҳал бўлмаганини айтганлиги, у ҳокимият юристи ва кадастрни чақириб нима гаплигини сўраганлиги, жойига чиқиш керак дейишгани учун, жойига чиққанлиги, кўп қаватли уй қурилган эканлиги, сўнг имзо қўйиб берганлиги, дастабки терговда қаттиқ тазйиқлар бўлганлиги, шу сабабли терговчи айтган кўрсатувни ёзиб берганлиги, аслида 55.000 АҚШ доллари олмаганлиги, уни билгани уни номига хат ёзишганлиги, ушбу хат ҳокимиятда кимнидир хонасида қолиб кетганлиги, 25.000 АҚШ доллари бўйича ҳам уни хабари йўқлиги, ер ажратиб бериш ваколати бўлмаганлиги, дастабки терговда қаттиқ тазйиқлар бўлганлиги, шу сабабли терговчи айтган кўрсатувни ёзиб берганлиги, аслида 25.000 АҚШ доллари олмаганлиги, дастлабки терговда бу пулларни олдим деганига сабаб терговда тазйиқ бўлганлиги, у



терговчилар айтган нарсани ёзиб бераверганлиги, дастлабки терговда адвокатлари иштирок этишганлиги, Рахматуллаев ва Дадажановлар иштирок этишгани билан у қамоқда бўлганлиги, адвокатларига тазйиқ бўлаётганини айтмаганлиги, айтса ўзига қийин бўлиши мумкинлиги, ушбу жинойт иши юзасидан тергов қаттиқ бўлганлиги, тазйиқлар бўлганлиги, Мирабзал ҳокимият қошидаги Технопарк бошлиғи бўлганлиги, Ш.М. унга реклама чизмасини дизайнерлик нусхасини бериб юборганлиги, дизайнерлик чизма бўлганлиги, ушбу чизмани унга олиб келиб берганлиги, Ш.М.ни отаси билан илгари ишлаганлиги, Ш.М.ни кўриб қолиб, ҳозир нима иш қиляпсан деб сўраганлиги, шунда Ш.М. дизайнерлик, рекламага афиша қиладиган фирмада ишлайман деб айтганлиги, шунда \*\*\* туманида мавсумий баннер керак бўлса Ш.М.дан илтимос қилганлиги, чунки ҳокимиятда рангли принтер бўлмаганлиги, гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида сўроқ қилинганда бу пуллар тўғрисида айтишга мажбур қилишганлиги, аслида ҳеч қандай пул бўлмаганлиги, дастлабки терговдаги сўроқ баённомалардаги ўкиб чиқдим, мени сўзимдан тўғри ёзилган деб у ёзганлиги, инкор қилмаганини сабаби у қамоқдаги шахс бўлганлиги, қамоқда унга нисбатан тазйиқ бўлганлиги, қамоқда ўтирган шахс билан очикда юрган шахсни фарқи борлиги, Ш.М. унга умуман пул бермаганлиги, М.Мирпулатов унга Ш.М. бериб юборган чизмани олиб келиб берганлиги, мавсумий баннер чизмаси, у Ш.М.га чизмани қилиб бер деб илтимос қилганлиги, иморатлар бўйича Ш.М. билан гаплашмаганлиги, 55.000 1-инстанция судида ҳам ҳозиргидек кўрсатув берганлиги, дастлабки терговда ҳам инкор қилганлиги, лекин унга тазйиқ бўлганлиги, имзо чекиб беришга мажбур бўлганлиги, унга нисбатан бошқаларни показанияси бўлганлиги, уларни ҳам қийнаб унга қарши кўрсатма олишганлиги, ҳеч қандай тадбирда қўлга тушмаганлиги, раҳбарият чақиряпти деб, олиб кетишганлиги, 4 кун ДХХда сақланганлиги, телефонларини олиб қўйишганлиги, унга ДХХ ходимлари шунақа деб ёзиб берсанг чиқиб кетасан дейишганлиги, ДХХ ходимлари қариндошларини ҳам қамайман дейишганлиги, қариндошлари 400.000 АҚШ долларини депозитга қўйишга мажбур бўлишганлиги, судда у бу пул олди-берди бўйича оқланганлиги, реабилитация этилганлиги, 400.000 АҚШ доллари ҳам қариндошларига қайтарилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Шунингдек, дастлабки тергов жараёнида 2018 йил 24 октябрда ва 2018 йил 6 ноябрда гувоҳ С.З. ва Ш.М.лар ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати давомида С.З. Ш.М.га 55.000 АҚШ доллари берганлигини тасдиқлаган.

Ш.М. дастлабки терговда адвокати иштирокида берган кўрсатувларида, таниши С.З.га А.Д. кўчаси, 55/8-уй манзилидаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқарилишига ёрдам беришни ваъда қилган ҳолда алдов йўли билан 3 та ҳолатда жами 55.000 АҚШ долларини олганлигини ва ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатганлигини билдирган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 22-бандида “Мансабдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун пул, қимматли қоғоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик) ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштира, қилмиш фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим.

Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак.

Агар пора бериш ташаббуси пора берувчи томонидан билдирилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг ҳаракатлари фақат фирибгарлик жинояти сифатида квалификация қилиниб, қўшимча равишда ЖК 211-моддаси билан квалификация қилишни талаб этмайди-деб тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра С.З. таниши Ш.А.нинг илтимосига кўра А.Д. кўчаси, 55/8-уй манзилидаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқарилишига ёрдам бериш масаласида Ш.М.га мурожаат қилган, биринчи бўлиб С.З. Ш.М.га мурожаат қилган, моддий рағбатлантириш ташаббуси С.З.дан чиққан.

Биринчи босқич суди юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларини ва ишдаги бу ҳолатларни эътибордан четда қолдириб Ш.М.ни ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ ва айбсиз деб топиб барвақт хулосага келган.

Шуларни инобатга олиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 484, 486-моддаларига асосан судлов ҳайъати дастлабки тергов органи томонидан Ш.М.га Ўзбекистон Республикаси ЖК 212-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан **1-эпизод** бўйича эълон қилинган айблов-Ш.М.нинг иш бўйича судланган Б.А.га пора олиш-беришда воситачилик қилганлиги ҳолати тасдиқланмаганлиги, Б.А. ушбу эпизод бўйича оқланганлиги, суд ҳукмининг Б.А.га нисбатан қисми кучидалигини, бекор қилинмаганлигини инобатга олиб, Ш.М.нинг ушбу эпизод бўйича ҳаракатларини фирибгарлик сифатида яъни, алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлган киритиш деб баҳолаб, таниши С.З.га А.Д. кўчаси, 55/8-уй манзилидаги турар жойга



нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиб, тасарруф этишга рухсат бериш ҳақидаги қарорни чиқарилишига ёрдам беришни ваъда қилган ҳолда алдов йўли билан 3 та ҳолатда жами 55.000 АҚШ долларини (*жуда кўп миқдор, 2018 йил 20 февраль куни АҚШ долларининг курси 8182.73 сўм бўлган, яъни  $55.000 \times 8182.73 = 450.050.150$  сўм*) олганлиги юзасидан унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандига қайта малакалашни ва шу модда билан айбдор деб топишни лозим топади.

Судлов ҳайъати шунингдек, ушбу эпизод бўйича протестда унинг ҳаракатларида ЖК 211-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги ҳақида келтирилган важларни муҳокама қилиб, ишда ва судда аниқланган-биринчи бўлиб С.З. Ш.М.га мурожаат қилганлиги, моддий рағбатлантириш ташаббуси С.З.дан чиққанлиги ҳолатларидан ҳамда юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, Ш.М.нинг ҳаракатларида ЖК 211-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари йўқ деб ҳисоблайди.

Ш.М.нинг шу эпизод бўйича ЖК 168-моддасида назарда тутилган айби гувоҳлар кўрсатувлари, аризалар, тушунтириш хатлари, юзлаштириш, кўздан кечириш, таниб олиш баённомалари, Ш.М. ва С.З. ўртасидаги телефон сўзлашувлар рўйхати ва ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан исботланган.

Судлов ҳайъати Ш.М.га дастлабки тергов органи томонидан **2-эпизод** бўйича эълон қилинган айблов бўйича протестда важлар келтирилмаганлиги, ушбу эпизод бўйича ҳам иш бўйича судланган Б.А. оқланганлиги, суд ҳукмининг Б.А.га нисбатан қисми кучидалигини, бекор қилинмаганлигини инобатга олиб, Ш.М.нинг ушбу эпизод бўйича ҳаракатларини муҳокама қилмасликни лозим топади.

Олий суд ажримдаги иш бўйича гувоҳ тариқасида ўтган С.З., Б.А. ва Ш.А.лар қисми текширилмаганлиги ҳолати ўрганилганда, дастлабки тергов жараёнида Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосарининг 2018 йил 10 декабрдаги жиноят ишининг қисмини материал тариқасида, жиноят иши қўзғатиш ва иш юритувга олиш ҳақидаги қарорига асосан материал тариқасида ажратилган ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан жиноят иши қўзғатилганлиги (7-ж.и.в.294-307), Ш.А.нинг ундан пул талаб қилган мансабдор шахсларга нисбатан чора кўриш ҳақидаги аризаси Ўзбекистон Республикаси ДХХ Тергов бошқармаси томонидан 2018 йил 20 октябрь куни А-2002 сонли кирим рақами билан расмийлаштирилиб рўйхатга олинганлиги (5ж. и.в.64), С.З.нинг аризаси эса шу куни З-2003 сонли кирим рақами билан расмийлаштирилиб рўйхатга олинганлиги (5ж. и.в.68) аниқланди.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ш.М. томонидан суд мажлисида унга нисбатан дастлабки тергов жараёнида руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказилганлиги, пулларни олмаганлиги ҳақидаги важларини атрофлича ўрганиб, уларни жинойий жавобгарликдан қутулиб қолиш учун келтирилган важлар деб танқидий баҳолашни лозим топади.



Чунки, апелляция инстанцияси суд мажлисида унинг бу важларини текшириш учун иш бўйича унга нисбатан суд-тиббий ва психиатрик ва психологик амбулатор суд психиатрия экспертизалари тайинланиб хулосалар олинди.

Ушбу хулосаларда: а) экспертиза кўриги вақтида танасида бирор жароҳатлар ва уни излари топилмаганлиги, б) жиноят иши ва тиббий хужжатларида ўша вақтда унинг психологик ҳолати ўзгарганлигини тасдиқловчи маълумотлар йўқлиги, шу сабабли қўйилган саволга жавоб бериш имконияти йўқлиги қайд қилинган.

Пулларни алдов ва фирибгарлик йўли билан олганлиги ҳолати юқорида келтириб ўтилган ишончга сазовор, иш ҳолатларига мос далиллар билан тасдиқланган.

Судлов хайъати судланувчи Ш.М.га нисбатан жазо тури ва меъёрини тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.”, деб кўрсатилганлигидан келиб чиқиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, иш бўйича зарар йўқлигини, яъни С.З. ва Ш.А.нинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб унга нисбатан ЖК 168-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиқиб, ЖК 57-моддасини қўллаб у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 484, 486, 490, 496, 497<sup>11</sup>, 497<sup>13</sup>, 497<sup>16</sup>, 497<sup>18</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов хайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 20\*\* йил 13 майдаги ҳукмининг М.Шга оид қисми ўзгартирилсин.

Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилсин (*унга эълон қилинган 1-эпизод ЖК 212-моддаси бўйича*).

Ш.М.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилган ҳолда ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Ш.М.нинг 2018 йил 26 октябрь кунидан 20\*\* йил 13 май кунига қадар ( 6 ой 18 кун) камокда ўтирган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига, яъни 1 (бир) йил 7 (етти) ой 24 (йигирма тўрт) кунга тенглаштириб,



тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва ўташ учун 4 (тўрт) ой 6 (олти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтаттирилсин.

Ш.М.нинг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини назорат қилиш унинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар ИИБ Пробация бўлими Шайхонтохур туман гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати ажрим ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Апелляция протести қисман қаноатлантирилсин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Т.Турсунов**

**хайъат судьялари:**

**Н.Касимова**

**Х.Шамшиев**

